

## БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ

йилнинг ҳақиқий харажатларига ҳисобдан чиқариш тартибини ишлаб чиқиши;  
- номоддий активларга амортизация ҳисоблаш усулининг энг самарали усулини танлаш.

Ушбу келтирилган таклифларимиз бюджет ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсатида инобатга олинганда, номоддий активлар ҳисобини тўғри ташкил қилишга замин яратади ва объективликни таъминлайди.

### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрирда). ЎРҚ-404-сон. 13.04.2016 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 414-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом.
4. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги ўёриқнома. (ЎзР АВдан 22.12.2010 йилда 2169-сон билан рўйхатдан ўтган).
5. Ўзбекистон Республикасининг 1-сон «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» БҲМС. (ЎзР АВ томонидан 05.10.2012 йилда 474-1-сон билан рўйхатдан ўтган).
6. 8-сон "Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар" БҲС.
7. Ўзбекистон Республикасининг 1-сон «Ҳисоб сиёсати» БҲС. (ЎзР АВ томонидан 27.12.2016 йилда 2853-сон билан рўйхатга олинган).
8. 3-сон "Ҳисоб сиёсати, ҳисобдаги баҳолашда ўзгаришлар ва хатолар" (IPSAS) ДСМҲС (давлат секторида молиявий ҳисоботни халқаро стандарти)
9. Ўзбекистон Республикасининг 7-сон «Номоддий активлар» БҲМС (ЎзР АВ томонидан 09.09.2016 йилда 1485-3-сон билан рўйхатга олинган).
10. 38-сон "Номоддий активлар" БҲС
11. Ўзбекистон Республикасининг 9-сон «Номоддий активлар». БҲС. (ЎзР АВ томонидан 24.07.2019 йилда 3169-сон билан рўйхатга олинган).
12. 31-сон "Номоддий активлар" (IPSAS) ДСМҲС (давлат секторида молиявий ҳисоботни халқаро стандарти). 15.01.2013 й
13. А.К. Ибрагимов, З.А.Умаров, К.Р.Хотамов, Н.К Ризаев. Тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Дарслик, -Т.: "Iqtisod-Moliya", 2020. -560 b.
14. F.T.Abduvaxidov, I.N.Qo'ziyev, Sh.X. Dadabayev. Buxgalteriya hisobi. Darslik. -T.: Iqtisodiyot, 2019. - 409 b.
15. A.J.Tuychiyev A, K.Ibragimov. Byudjet hisoboti. O'quv qo'llanma. -T.: "IQTISOD MOLIYA" 2018. 278 b.
16. Ф.Т.Абдуваҳидов. "Кичик тадбиркорлик субъектларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш" диссертация автореферати. (и.ф.н). -Т.: 2005.

Темиров Фурқат Турсоатович -  
Ташкент давлат иқтисодиёт университети,  
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси катта ўқитувчиси

## КЎП ТАРМОҚЛИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Аннотация:** Ушбу мақолада кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишининг назарий – услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар берилган.

**Калим сўзлар:** фермер хўжалиги, бухгалтерия ҳисоби, ҳисоб сиёсати, ҳисоб регистрлари, ҳисоб шакллари, бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган шакл, автоматлаштирилган бошқарув тизими.

Темиров Фурқат Турсоатович -  
Ташкентский государственный экономический университет,  
Старший преподаватель кафедры "Бухгалтерского учета"

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА В МНОГОПРОФИЛЬНЫХ ХОЗЯЙСТВАХ

**Аннотация:** В данной статье даны предложения и рекомендации по организации совершенствования теоретическо – методической и практической основы бухгалтерского учета в много отраслевых фермерских хозяйствах.

**Ключевые слова:** фермерский хозяйства, бухгалтерский учет, учетная политика, учетные регистры, формы, упрощенная форма учета, автоматизированные системы управления.

*Temirov Furkat Tursoatovich -  
Tashkent State University of Economics,  
Senior Lecturer at the Department of Accounting*

## IMPROVING ACCOUNTING IN MULTI-SECTORAL FARMS

**Abstract:** This article were reveals improving of accounting of the theoretical, methodological and practical bases of farming different kind of spheres and were given an recommendations.

**Key word:** farming, accounting, account policy, accounting register, forms, correctly form of accounting, automatical system of management.

**Кириш.** Иқтисодиётимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ҳамда диверсификация қилиш бўйича қатор қонунуний ва меъёрий ҳужжатлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилиниб, улар изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва уни барқарорлаштиришда фермер хўжаликларининг тутган ўрни ҳамда ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шу боисдан, фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.10.2017 йилда ПФ-5199 сонли Фармони эълон қилинди. [1]

Ушбу фармонда фермер хўжаликларининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан чекланиб қолмоқда, уларнинг қайта ишлаш, сақлаш, тайёр маҳсулотларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш каби кўп тармоқли фаолиятини йўлга қўйишда мавжуд имкониятлардан фойдаланилмаётгани, фермер ва деҳқон хўжаликлари аъзолари ва томорқа ер эгаларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш соҳасидаги билим ва кўнгималарини ошириш, уларни зарур маълумот ва ахборотлар билан таъминлаш ҳамда бошқа хизматлар кўрсатиш тизими, шунингдек, фермер хўжаликлирида меҳнат муносабатларини ташкил этиш ҳолати бугунги кун талаблариға жавоб бермаётгани таъкидлаб ўтилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 7-февралдаги 4947-сонли фармони билан 2017-2021-йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Ҳаракатлар стратегиясида долзарб ҳамда аҳоли ва тадбиркорларни ташвишга solaётган масалаларни комплекс ўрганиш, қонунчилик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти ҳамда хорижий тажрибани таҳлил қилиш якунлари бўйича ишлаб чиқилди. Ҳаракатлар стратегияси беш босқичда амалга оширилиб, уларнинг ҳар бири бўйича йил номланишидан келиб чиқсан ҳолда алоҳида бир йиллик давлат дастурини тасдиқлашни назарда тутади[2].

Жумладан, З-иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишарига бағишлиланган ҳаракат стратегиясининг 3.3-пунктида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бунда, фермер хўжаликлар, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шутуланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш лозимлиги устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф эътилган.

Шу муносабат билан юқоридаги фармон ижросини таъминлаш мақсадида республикамизда кўп тармоқли фермер хўжаликларни ташкил қилиш масаласи қўйилди. Ушбу масалани ижбий ҳал этишда нафақат ташкилий тузилмасини ўзгартириш, балки улардаги мавжуд мол-мулқдан самарали фойдаланиш ва уни назорат қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу назоратни амалга ошириш бухгалтерия ҳисоби тизими орқали амалга оширилади. Бунда, фермер хўжаликларининг ривожланиши кўп жиҳатдан давлат томонидан қўллаб-куватланишига, кредит ва бошқа таъминот ташкилотларининг хизмат кўрсатиш даражасига ҳамда фермер хўжаликлирида ҳисоб юритиш тизимининг тўғри йўлга қўйилганлигига боғлиқдир. Шу боисдан, бугунги кунда фермер хўжаликларининг ҳисоб тизими ҳолати ва уни такомиллаштиришдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш муҳим аҳамиятга эга.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Кўп тармоқли фермер хўжалигига бошчилик қилувчи тадбиркор бухгалтерия ҳисобини юритиш шаклини мустақил танлашга ҳақли. Бухгалтерия ҳисобини юритиш шаклини танлашда қўйидаги омиллар ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир: кўп тармоқли фермер хўжалигининг ҳажми (катта-кичиқлиги); унинг жойлашуви ва ихтисослашуви; хўжалиқда ишловчи ёлланма ходимлар сони; фермер хўжаликлари бошлиқларининг бухгалтерия ҳисоби ҳамда бошқа

иқтисодий, ҳуқуқий-технологик масалалар бўйича тайёргарлик даражаси ва бошқалар.

Бугунги иқтисодиётнинг шиддат билан ривожланиши кўп тармоқли фермер хўжалиги учун бухгалтерия ҳисобининг шакли, унинг мазмунига, фаолиятнинг барча жараёнларини бошқаришнинг ахборот таъминотига мос келиши лозим. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг ривожланиши жойларда прогрессив йўл билан эмас, балки суст, эволюцион-кечимиш йўли билан кечмоқда, чунки илмий ва ўқув адабиётларда ушбу муаммоларга етарлича эътибор қаратилмаяпти. Бунда, ҳисоб юритишнинг ривожланиш жараёнини тадқиқ этиш ва фермер хўжаликларида уни такомиллаштиришнинг услубий қоидаларини тадқиқ этиш заруратини белгилаб беради.

Бухгалтерия ҳисобининг эволюцияси, одатда, мазмун ва шаклнинг мавжуд бўлишини назарда тутади. Ушбу тушунчалар қадими илдизларга эга бўлиб, тарихий категориялар сифатида эса бир неча маънони англатади. Шунинг учун "мазмун" ва "шакл" тушунчаларига аниқ ва якуний таърифни бериш осон эмас. Бухгалтерия ҳисобининг ривожланиши билан ушбу тушунчаларга аниқликлар киритилди.

Масалан, А.М.Галаган шундай ёзган эди: "...ҳисобшуносликда шакл деб уларнинг ташқи кўриниши нуқтаи назаридан кўриб чиқиладиган ёзувлар йигиндисига айтилади" [3, 141-б.].

Barry Elliot, Jamie Elliotларнинг таъкидлашларича: "...бухгалтерия ҳисобининг шакли деганда турли хилдаги ҳисоб регистрларининг уйғунлашувини, ҳисоб ёзувларини амалга ошириш усуллари ва унинг изчиллигини тушуниш лозим" [4, 222-б.]. Бошқа муаллифлар ўз илмий тадқиқот ишларида бухгалтерия ҳисобининг шаклига таъриф беришда, ҳисоб регистрларидан ташқари, синтетик ва аналитик ҳисоб юритишнинг ўзро боғлиқлиги ёки салномавий ва мунтазам ёзувлар ҳақида тўхталиб ўтишган.

Тарих нуқтаи назаридан, бухгалтерия ҳисобининг шакллари бошқарув тизимида ахборотни умумлаштириш ва ундан фойдаланиш учун энг оптималь вариантни қидириб топиш ёки яратиш мақсадида доимий равишда такомиллаштирилиб борилган. Шунинг учун бухгалтерия ҳисоби шакли тушунчасининг янгидан янги ёки тўлдирувчи таърифлари пайдо бўлган.

С.Зинченконинг фикрича ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш "бухгалтерия ҳисобининг шакли" тушунчасини сиқиб чиқариши мумкин эмас, чунки шаклсиз мазмун ва мазмунсиз шакл бўлиши мумкин эмас. Улар бухгалтерия ҳисобини ташкил қилувчи турлича, лекин узвий боғланган (услубий, ташкилий ва техник) жиҳатларни ифодалайди. "Мазмун" ва "шакл" –

диалектик тушунчалардир. Уларнинг яхлитлиги шунда ўз ифодасини топадики, бухгалтерия ҳисобининг маълум мазмуни маълум шаклга "айланади". "Мазмун шаклга келтирилган, шакл эса мазмунга эга" [5, 28-38-б.]..

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида автомат бошқарув тизимидан (АБТ) фойдаланиш анъанавий ҳисоб регистрлари маъмуни кўллаш заруратини истисно этмайди, чунки ҳисоб юритиш шакли – бу бошланғич хўжжатлар ва ҳисботлар ўртасида турувчи восита. Лекин АБТни кўллаш бошланғич маълумотларни қайта ишлаш, уларни синтетик ва аналитик ҳисобда акс эттириш, ҳисботларни тақдим этиш усуллари ва шаклларини истисно этмайди, балки уларни такомиллаштиради.

Бу борада иқтисодчи олим З.В.Кирьянова-нинг қуидаги фикрларини келтириш ўринли "...бухгалтерия ҳисоби шаклининг талқини қанчалик ўзгармасин, шаклларнинг ўзлари қанчалик бир бутун ҳолатга келтирилмасин, уларнинг моҳияти битта, у қўлланиладиган ҳисоб юритиш техника воситаларининг хусусиятига ва уларни бухгалтерия ҳисоби ходимларнинг меҳнати билан бирлаштириш усулларига боғлиқ эмас" [6, 125-б.].

Ахборотни қайта ишлаш ва тақдим этиш усуллари, элементлар таркиби ва боғлиқлиги ўзгармасдан қолмайди. Улар ишлаб чиқариши ташкил этишнинг ривожланиши, бошқарув тузилмасининг такомиллаштурилган бошқарув тизими (АБТ)да ЭҲМнинг (электрон ҳисоблаш машиналари) янги авлодларининг қўлланилиши, ахборотни қайта ишлашни лойиҳалаштириш усулларининг такомиллашувига қараб ривожланади ва бухгалтерия ҳисобининг янги шакллари пайдо бўлишига ёки мавжуд ҳисоб юритиш шаклларининг такомиллашувига, янгиланишига олиб келади. Ҳисоб юритишнинг автоматлаштирилган шакли ҳам ўзгаришсиз қолиши мумкин эмас, чунки дастурлаш ривожланишининг ҳозирги шароитида маълумотларни қайта ишлаш ва бухгалтерия ҳисоби шаклларини модификациялашнинг кўплаб варианtlарини назарда тутувчи турли бухгалтерия ҳисобининг дастурий таъминот маҳсулотлари мавжуд.

**Тадқиқот методологияси.** Мазкур мақолада кўп тармоқли фермер хўжаликлари бухгалтерия ҳисоби шаклларини оптималлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Таҳлил жараёнида илмий абстракциялаш, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, таққослаш, тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Бугунги кунда бухгалтерия ҳисоби мазмунидаги ўзгаришлар

унинг ривожланишининг устувор томони ҳисобланади. Бу, бир томондан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида тегишли мазмундаги бухгалтерия ахборотини талаб қилувчи янги хўжалик алоқалари ва иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши билан, иккинчи томондан эса, ташкилотлар ва уларнинг сегментларини бошқариш учун тўлиқ, тезкор ҳамда фойдали ахборотга бўлган эҳтиёж билан боғлиқдир.

Бухгалтерия ҳисобининг айрим шакллари (мемориал-ордер, китоб-ордер, соддалаштирилган ва ҳ.к.) тез суръатлар билан ўзгариб бораётган мазмунга мос келмай қолаяпти ва нафақат кейинги ривожланиш, балки бошқарув функциялари сифатида ушбу тизимнинг самарали фаолият кўрсатиши учун ҳам тўсиқ бўлмоқда. Шунинг учун бухгалтерия ҳисобининг қулай ва самарали шакларини танлаш бухгалтерия ҳисобини ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Хусусан, кўп тармоқли фермер хўжаликлирида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда, ҳисоб юритиш сиёсатини танлашда бухгалтерия ҳисоби шаклининг амалий аҳамиятини етарлича баҳоламаслик ахборот тизимидағи узилишларга олиб келиш билан бирга ҳисоб юритиш олдига қўйилган вазифаларнинг ҳал этилишига тўсқинлик қиласди. Натижада, ҳисоб юритишнинг бундай шакли самарасиз ишлашнинг давомийлигини таъминлашга олиб келади. Бухгалтерия ходимларининг амалий фаолияти сифатида бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи қоидалар жумласига қонунлар, йўриқномалар меъёрлар, стандартлар қоидалари, шунингдек, маҳсус қоидалар, анъаналар ва ҳатто бухгалтерия фаолиятининг одатлари ҳам киради.

Таъкидлаш жоизки, ҳамма иқтисодий (режа, ҳисоб, тартибга солувчи) ахборот ҳам бухгалтерия ҳисобининг мазмунини ташкил қилмайди, бундан ташқари, ҳамма ахборот ҳам бошқарув эҳтиёжлари учун фойдаланилмайди.

Бизнинг фикримизча, бухгалтерия ҳисобининг мазмунни, унинг акс эттириладиган молиявий хўжалик фаолиятининг ҳақиқатдаги маълумотлари вақт ва маконда боғлиқлиги белгиларини ифодаловчи, субъектнинг хўжалик жараёнларини бошқариш учун муайян хусусиятларга эга бўлган ахборотлар йигиндиси сифатида таърифлаш мумкин. Ушбу ахборот ўз ички ва ташқи фойдаланувчиларининг эҳтиёжларини қондириши керак.

Шунинг учун бухгалтерия ҳисобини услубий ва ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш асосида ахборотга бўлган муайян эҳтиёжларнинг таҳлили ётиши керак. Ички ва ташқи фойдаланувчилар (айниқса сармоядор-

лар, кредиторлар ва солиқ органлари) нинг ахборотга бўлган ўсиб борувчи эҳтиёжларини қондириш бухгалтерия ҳисоби функциялари ва унинг олдига қўйилган вазифалар (стратегик мақсад) нинг бажарилишини талаб қиласди. Фақат бухгалтерия ҳисобининг барча функциялари, технологиялари ва механизмларини ривожлантириш, уларни амалга ошириш ўюли билан бухгалтерия ҳисобининг олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш ҳамда унинг мақсадини амалга ошириш орқали ички ва ташқи фойдаланувчилар томонидан ахборотдан самарали фойдаланилиши мумкин.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, ҳисоб юритиш тартиби, маълумотларни қайта ишлаш алгоритмлари, бухгалтерия ҳисоби шакли ва регистрлари, ахборотни тақдим этиш усули ва шакллари, уни олиш муддатлари белгиланиши (танланishi) мумкин, бу кўп жиҳатдан ҳисоб юритишнинг танланган шаклига боғлиқдир.

Бизнинг фикримизча, бухгалтерия ҳисобининг шакли – бу ўзаро боғлиқ таркибий элементлар (регистрлар, счётлар) йигиндиси, бошланғич маълумотларни қайта ишлаш, уларни рўйхатга олиш ва бухгалтерия ҳисботига айлантириш тартиб-қоидаларининг йигиндиси билан аниқланадиган хўжалик фаолияти ҳақиқатдаги маълумотлари тўғрисидаги ахборотни ташкил этиш, ифодалаш (акс эттириш), тўплаш ҳамда бошқарув учун сақлаш усулидир.

Тадқиқот жараёнида биз ҳисоб юритиш шаклига нисбатан қўйиладиган асосий талабларга қўйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- ҳисоб юритиш мазмунини ташкил этиш;
- бухгалтерия ҳисоби тизимини прогресив ривожлантириш;
- изчиллик ва оқилоналик;
- хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик жараёнлари тўғрисидаги зарур ахборотни олиш учун бухгалтерия хизматлари ишининг тежамкорлиги ва сифатлилиги.

Бухгалтерия ҳисобининг ривожланиши жараёнида ҳаракатлар изчиллиги (ривожланиш технологияси) ва элементларнинг ўзаро таъсири (ривожланиш механизми) усули муҳим рол ўйнайди.

Бухгалтерия ҳисобининг шакли ва мазмунини ривожлантириш жараёнларида ушбу жиҳатларни ҳисобга олиш лозим. Ҳисоб юритиш шакли унинг мазмунидан ажралмас бўлса-да, лекин ҳисоблаш техникаси ҳамда ҳисоб юритиш мазмуний фрагментларини шакллаштириш ва моделлаштириш методологияси ривожланишининг ҳозирги шароитида у нисбий мустақилликка эга бўлиши мумкин.

## БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТІСОДИЙ ТАХЛИЛ ВА АУДИТ

Бугунги кунда бухгалтерия ҳисобида белгилар, ракамлар, формуалалар, моделларни тузиш ва уларни ўзgartиришнинг аниқ қоидаларига бўйсунган билимларни шакллаштириш (моделлаштириш, дастурлаш, сунъий белги ёки формула) усули муваффақиятли қўлланилмоқда. Ўзgartиришларнинг тезкорлиги, уларни аниқ математик ва мантиқий қоидаларга бўйсундириш имконияти, билиш вазифаларининг шакл даражасида муваффақиятли ечилишини таъминлайди ва бухгалтерия ҳисобида автоматлаштирилган бошқарув тизими (АБТ) дан янада кенг фойдаланиш имконини беради. Шу билан бирга шакллаштириш тескари жараён, белги, формула ва бошқа "формализмни" талқин этиш, яъни мазмунига изоҳ бериш билан тўлдирилиши лозим. Акс ҳолда амалиётда қўпинча бухгалтерия ҳисоби шаклларини заифлаштириш, асосиз соддалаштириш ёки ҳисоб юритишни

автоматлаштириш учун ягона методологик ёндашувдан бебахра қолган, ҳисоб юритишнинг олдида турган вазифаларни, унинг белгиланган функцияларини, асосий тамойилларини, унга нисбатан кўйиладиган тахминлар ва талабларни ҳисобга олмайдиган кўп сонли дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш йўли билан уларни мураккаблаштириш тенденцияси намоён бўлади.

Натижада, бухгалтерия ҳисобининг шакли ўз мазмунини ташкил этиш, ифодалаш ва унинг мавжуд бўлиши воситаларидан бирдан-бир мақсадга айланади.

Фикримизча, бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришда бухгалтерия ҳисобининг шакли ва мазмунини ривожлантиришнинг диалектик ягоналигидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир (1-расмга қаранг).



**1-расм. Кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби тизимининг асосий унсурлари фаолият кўрсатиши концептуал модели**

**Манба:** Тадқиқотлар натижасида муаллифлар томонидан шакллантирилган.

1-расмдан кўриб турганимиздек, хўжалик фаолиятининг барча турларини бошқариш мақсадида кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини улар олдига қўйилган вазифаларни ҳал этадиган ва белгиланган асосий функцияларни бажарадиган даражада лойиҳалаштиришни ташкил этиш зарур. Тадқиқот натижасида олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатдик, ушбу мақсадга бухгалтерия ҳисобининг

шакли ва мазмунини ривожлантиришнинг ягоналигини, унинг барча бўғинларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш йўли билан эришилади.

Бухгалтерия ҳисобининг услубий асосларидан фойдаланиш кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини юритишни ташкил этишга нисбатан ялпи ёндашувни таъминлайди, акс ҳолда умуман бухгалтерия ҳисоби

бига зарурат бўлмайди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг бухгалтерия ҳисобида бухгалтерия ҳисоби счёtlар режасини қўллаш ёки қўлламаслик масаласи ҳам бахс-мунозараларни келтириб чиқармоқда. Мазкур муаммо бўйича иқтисодий адабиётларда қарама-қарши фикрлар мавжуд. Ҳар бир муаллиф ўзи томонидан модификацияланган бухгалтерия ҳисоби регистрларини ва аграр тадбиркорликда бухгалтерия ҳисобини юритиш амалиётида қўллаш учун унинг тузилиши шаклини таклиф этган.

1-расмдан кўриб турганимиздек, хўжалик фаолиятининг барча турларини бошқариш мақсадида кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини улар олдига қўйилган вазифаларни ҳал этадиган ва белгиланган асосий функцияларни бажарадиган даражада лойиҳалаштириш ва ташкил этиш зарур.

**Хулоса ва таклифлар.** Таҳлиллар натижасида шундай хулосага келдикки, ҳисоб регистрлари ва бухгалтерия ҳисобининг счёtlар тизимини ҳисоб юритишнинг турли шаклларидан, шу жумладан, соддалаштирилган шаклидан оптималь даражада, лекин заруратга қараб фойдаланиш, шунингдек, кўп тармоқли фермер хўжаликларининг ҳажмини, фаолият ва хўжалик жараёнларининг ўзига хос хусусиятла-

рини ҳисобга олган ҳолда соддалаштирилган счёtlар режасидан фойдаланишлари мумкин. Бундан ташқари, мазкур хўжалик субъект ходимларининг бухгалтерия ҳисоби бўйича тайёргарлик даражасини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бир ёки бир неча турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган шакли бўйича юритишлари мумкин. Бундай ҳисоб юритишнинг асосини даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш китобларида “тан олиш тамойили” бўйича юритиш лозим. Бунда ҳар бир хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисобини юритиш, уни ташкил этишда мустақил ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишилари ва унда танланган шакллар, усуllар ҳамда тамойиллар белгилаб олиниши лозим.

Шундай қилиб, юқоридаги фикрларни инобатта олиб, кўп тармоқли фермер хўжалиги фаолиятида содир бўлган хўжалик жараёнлари бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган шаклидан, шунингдек, тегишли ҳисоб регистрларида ва бухгалтерия ҳисобининг ишчи счёtlар режасида юритилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

- Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**
1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.10.2017 йилдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5199-сонли Фармони.
  2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривоҷлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли Фармони.
  3. Галаган А.М. Руководство по общему счетоведению / А.М. Галаган. -М.: Государственное издательство, 1926. - 184 с.
  4. Barry Elliot, Jamie Elliot. Financial accounting and reporting. (ISBN 978-1-292-08057-4) London, 2015. 17 th Edition.
  5. Зинченко С. Новое в правовом статусе крестьянского (фермерского) хозяйства / С. Зинченко, В. Галов // Хозяйство и право. - 2004. - № 2. -С. 28-38.
  6. Кирьянова З.В. Теория бухгалтерского учета: Учебник / З.В. Кирьянова. -М.: Финансы и статистика, 2018. - 192 с.

**Исаев Фахриддин Икромович -  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги  
«Ўзбекистон иқтисодиётини ривоҷлантиришининг  
илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот  
маркази директор ўринбосари, PhD, доцент**

### СОЛИҚ ТАҲЛИЛИ МЕТОДОЛОГИЯСИННИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**Аннотация:** Мақолада солиқ таҳлилининг методи, методикаси ва методологиясини ўрганиши ва заруратини асослаш нуқтаси назаридан тадқиқот олиб борилган. Хорижий ва мамлакатимиз олимларининг олиб борган тадқиқотлари ва изланишлари асосида метод, методика ва методология каби тушунчалар ўрганилиб, иқтисодий таҳлил соҳасининг таркибий қисми сифатида солиқ таҳлили методологияси шакллантирилиши босқичлари кўриб чиқилган ва мавзу дуорасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

**Калим сўзлар:** метод, методика, методология, иқтисодий таҳлил, солиқ таҳлили